

## ТАЙПАН ҚАБР ҚҮРГОНИДАН ТОПИЛГАН КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ

**Беҳзод Исабеков**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Миллий археология маркази  
Тошкент, Ўзбекистон  
E-mail: [ibehzod5916006@gmail.com](mailto:ibehzod5916006@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Юқори Оҳангарон ҳавзасидаги археологик тадқиқот натижасида қўлга киритилган маълумотлар асосида қадимий мозор-қўргонлар ўрганилган. Топилган ушбу қабр катакомба типидаги қабр эканлиги аниқланган. Шунингдек ундан топилган барча топилмалар тахлил қилинган. Асосий эътибор кулолчилик буюмларига қаратилган. Ушбу ҳудудларнинг моддий-маданиятида хунармандчиликнинг тутган ўрни очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Тайпан, катакомба, Курара, Чотқол, Кенгқўл, Эртош-Дўлана, ойнахоя.

## КЕРАМИКА, НАЙДЕННАЯ В МОГИЛЬНОМ КУРГАНЕ ТАЙПАН

### АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуются древние курганы, основанные на данных, полученных в результате археологических исследований бассейна верхнего Ахангарана. Было установлено, что эта найденная могильник относится к типу катакомб. А также найденные все находки были проанализированы выводы. Основное внимание уделяется керамическим изделиям. Раскрывается роль ремесленного мастерства в материальной и культурной жизни этих регионов.

**Ключевые слова:** Тайпан, катакомба, Курара, Чаткал, Кенгкул, Эрташ-Долана, ойнахоя.

## POTTERY FOUND IN THE TAIPAN BURIAL MOUND

### ABSTRACT

In this article, ancient burial mounds are studied based on the data obtained as a result of archaeological research in the Upper Ohangaron basin. It was found that this tomb was a catacomb type tomb. All findings from it were also analyzed. The main focus is on ceramics. The role of crafts in the material culture of these regions has been revealed.

**Keywords:** Taipan, catacomb, Kurama, Chotkal, Kengkul, Ertash-Dulana, oynaxoya.

Оҳангарон водийси Тошкент воҳасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у жануби-шарқда Қурама, шимол ва шимоли-ғарбда Чотқол тоғ тизмалари, жануби-ғарбда Сирдарё ҳавзаси билан чегараланган. Чотқол тоғ дараларидан Оҳангарон дарёсига келиб қўшилган Эртошсойнинг қуи оқимида атрофи тоғлар билан ўралган кенг қўкаламзор майдон таркиб топган. Бу худуд қадимда чорвадорларнинг қишлоғи макони бўлиб хизмат қилган. Айнан мана шу жойдан қадими мозор-қўрғон топиб ўрганилган. Топилган қабрни ўрганиш жараёнида бу қабр катакомба типидаги қабр эканлиги маълум бўлди.

### ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ ВА ДАРАЖАСИ

Бундай катакомбали қабрларнинг Марказий Осиё ҳудудларида дромосга нисбатан жойлашиш холати, узунлиги, йўналиши ва қайси томонидан лаҳад қилинганлиги, зинанинг айвон чеккасида бор-йўқлиги, лаҳадга ўтиш йўлининг турлича беркитилиши (тупроқ, гувала, тош ва бошқа)га қараб 12 дан ортиқ тури ўрганилган [Матбобоев Б.Х, 2009. – С. 143.1, С. 87]. Кенгкўл катакомба қабрлари каби Тайпан мозор-қўрғонидаги қабрнинг дромоси жанубдан шимолга қаратиб қазилиб, шарқ-ғарб йўналишидаги қабр лаҳадига перпендикуляр тарзда келиб туташишидан ҳосил бўлган. Ушбу қабр камерасини ўрганиш жараёнида унинг жанубий деворида қатор тошлар терилган лаҳад эшиги топилди. Айнан лаҳад камерасига кириш тешигидан жанубга томон дромос йўлаги кетган. Унга кириш эшиги ҳам топилди. Унинг узунлиги 9,8 м. бўлиб, Тайпан қишлоғига олиб борувчи йўл остидан ўтган. У тошлар териб беркитилган.

Тайпан қабр қўрғонида қазишмалар олиб бориш жараёнида кўплаб археологик артефактлар топилди. Барча топилмаларнинг типларга, вариантларга ажратишида (классификациялашда) етакчи археологларнинг илмий қарашлари ҳисобга олинди. А. Асқаров, Б.А. Литвинский, А.М. Мандельштам каби олимлар шулар жумласидандир. Уларда мозорларга қўйилган буюмларни тайёрланган хомашёси (металл, ёғоч, тош ва ҳ.к.), уларнинг функцияларига (кулолчилик, тақинчоқ, курол-яроғ ва бошқа.) кўра, гуруҳ ва хилларга бўлинган , кулолчилик маҳсулотлари ва кундалик иш уй-рўзғор буюмлари (мехнат куроллари, жанговар куроллари ва аёлларнинг косметика буюмлари). Сўнgra уларнинг бажарган вазифаси, шакли, тузилишига қараб гурухларга ажратилган. Тайпан қабр қўрғони моддий манбаларга бой бўлиб, уларнинг асосий қисмини зеб-зийнат буюмлари, кулолчилик идишлари, металдан ишланган куроллар ташкил этади. Топилган моддий ашёлар ушбу ҳудудда яшаган қадимги туб ахолининг ҳаётлик давридаги ижтимоий-иктисодий аҳволини ҳам белгилаб беради. Уй рўзғор буюмлари орасида сопол идишлар кўпчиликни ташкил этади. Мозор-қўрғонлардан топилган кулолчилик буюмларининг барчаси қўлда ясалган бўлиб, улар асосан жасаднинг бош ва оёқ тамонига қўйилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тайпан қабр қўрғонидан жами 9 дона кулолчилик буюмлари топилди (1-расм). Кулолчилик буюмларни асосан кўзалар, жумракли кўза, кружка (ёлоғи), хурмача, қўракумғон, това ва косалар ташкил қиласди. Биз энг кўп топилган кулолчилик буюмларига эътибор қаратдик.

Кўза. Уларнинг гардиш учи ташқарига қайрилган. Ташқи ва бўйин қисмининг ички сирти қизғич қорамтил рангда ангобланган. Бўғизлари чўзинчоқ, улардан бирининг дастасига вертикал чизик чизилган. Кўриниши шарсимон, бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи дастаси мавжуд. Унинг бўйи 31 см, оғзининг диаметри 11.5 см., тубининг диаметри 19.5 см ташкил этади. Бўғзига чизилган чизиклар кўзани ўрганиш жараёнида бу белги кулолнинг ўзига хос тамғаси деган холосага келинди. Катта ҳажмдаги бир дастали бўйдор тухумсимон шаклли кўзалар, Эртош-Дўлана [AskarovA., Matyakubov Kh., Isabekov B, (2021) 58 (2).] ва Кавардондаги [Шишкина. Г.В, 1979. – С. 55. Рис. 16] катакомба қабрлардан кўплаб топилган.

Оғзи тарновсимон жўмракли кўзалар ( ойнахоя). Бундай кўзалар икки дона топилди. Уларнинг оғзи бир оз ташқарига қайрилган. Улар танаси юқори қисмида ярим ҳалқасимон балдоқ вертикал шаклда ўрнатилган. Балдоғининг бир учи елкасига, иккинчи учи бўйнига уланган. Кўзаларнинг сирти тўқ ёки оч жигаррангда, қора ҳамда қизил рангларда ангобланган. Унинг бўйи 30 см., оғзининг диаметри 11.5 см., яssi тубининг диаметри 16 см. Елка қисми айланаси бўйлаб параллел чизикчалар билан қопланган. Кўзаларнинг бири ҳам бўйи 20 см., оғзининг диаметри 9.5 см., тубининг диаметри 11.7 см. Бу оғзи тарновсимон жумракли кўзалар қовунчи маданияти характерини белгиловчи асосий кулолчилик буюмлари саналади [Левина Л. М,1995. – С. 183-184. Рис. 59. 231-234]. Бу шаклдаги кўзалар Кавардон материалларида ҳам кўплаб учрайди [Алимов Ў., Алимов Қ,1994. – С. 57. Рис. 18].

Хурмача. Хурмачалар бир дона топилди. Уларнинг гардиш учи ўткир учбуручак шаклида, ташқи сирти ва ички сиртининг бўйин қисми қизғиш қора рангда ангобланган, уларнинг бўйин ва қорин қисмида параллер қатор чизикчалар тортилган. Барчаси қўлда ясалган бўлиб.Хурмачанинг бирининг баландлиги 17 см, оғзининг диаметри 9,5 см, тубининг диаметри 9,5 см.ни ташкил этади.

Хурмачаларга ўхшаш идишлар Кавардон [Шишкина. Г.В., – С. 53-57. Рис. 16-17.] катакомба қабрлари ва яшаш жойларида Тошкент воҳаси (Шоштепада), Дўланабулок, Эртош-Дўлана [AskarovA., Matyakubov Kh., Isabekov B, (2021) 58 (2).] Ширинсой қабристонида, Талас водийси катакомбаларида, Ўрта Сирдарё, Ақтўбе 2 манзилгоҳларидан топилган бўлиб 2-4 асрлар билан даврлаштирилган.

Бакалсимон қўрақмғон. Бир дона топиди. Гардиши бир қайирилган сиртида куйган куя излари сақланиб қолган. Бўйининг баландлиги 17 см, оғзининг диаметри 9,5 см, тубининг диаметри 9,5 см.ни ташкил этади. Бу идишдан қозон мақсадида ҳам фойдаланган.

Кўрача. Бўғзи тикроқ ташқи тамонида олов излари сақланиб қолган. Бўйи 12 см, диаметри 7 см, ташкил этади. Бу идишдан кўпроқ ёш болларга овқат беришда ишлатилган деган тўхтамга келдик.

Кружка (ёғлоғи). Бу каби кружкалар уч дона топилди. Бу идишлар қўлда нафис ясалган бўлиб, сиртига қизғиш ёки қора рангда ангоб берилган. Кружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, гардиши тик, қорин қисми ноксимон шаклида ишланган. Баъзиларида елка айланаси бўйлаб чизиқча тортилган бўлса, баъзиларида эса параллел чизиқлар тортилган. Бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоғи вертикал жойлашган. Балдоқли идишларга вертикал дасталар зооморф қўринишда ишланган.

Кружкаларнинг бирининг зооморф дастали идишнинг бўйин қисмига қатор параллел чизиқлар тортилган. Дастасига тўнғиз тасвири туширилган оч жигаррангда ангобланган. Куружка бўйининг баландлиги – 10 см., оғзининг диаметри 6 см., тубининг диаметри 6 см. ташкил этади.

Ярим ҳалқа шаклида ясалган дастаси устига хайвон хайкалчаси ўрнатилган. Куружка бўйининг баландлиги – 16 см., оғзининг диаметри 9,5 см., тубининг диаметри 9,5 см. Учинчи идишнинг белида қўш дастаси бор. Қорин қисмига бир неча қатор пареллер чизиқлар тортилган. Ташқи ва бўйин қисмининг ички сирти қизғиш қорамтири рангда ангобланган. Унинг бўйи 15 см, оғзининг диаметри 9 см., тубининг диаметри 7 см. Мана шундай қўш дастали кружка Жиззах воҳасидаги Ёқуббоботепа ёгорлигидан топилган бўлиб V-VI асрлар билан даврлаштирилган [Пардаев М.Ҳ, Фофуров Ж.И, 2016. – Б. 359. Расм. 60]


Кружка (ёғлоғи)лар I минг йилликнинг биринчи ярмидан Тошкент вохаси ва Ўрта Сирдарё учун жуда характерли, зооморф тутқитчили сопол идишлар кўплаб ёдгорликларда учрайди. [Литвинский. Б. А, – С. 3-4.] Айнан Қовунчи маданияти кулолчилик идишлари ва буюмларида хайвон шакли туширилган фрагментлар кўплаб аниқланган. Бу ҳайвонлар орасида қўчқор, от, тўнғиз каби кўплаб зооморф дастали идишлар учрайди. Қўчқор қут-барака, куч-кудрат, бойлик ўлчови сифатида қабул қилинган. Қўчқорнинг бойлик унумдорлик (фарованлик) билан боғлиқлиги ҳақида, шунга ўхшаш ғоялар олтин жун ҳақида юонон мифларида берилган [Богомолов Г.И, №1 (10) 2015. – Б. 33-46]. Г.В. Григорьев эса қўчқор тасвирини қуёш белгилари билан боғлаш мумкин [Григорьев Г. В., 1948. – С. 55] дейди. Сопол идишларнинг баъзиларида қўчқорнинг алоҳида элементлари – боши, шохи акс эттирилган. Б.А. Литвинский

буни Фарн (Фарн - Бахт, омад маъносида) маъбудига топинч эътиқоди билан боғлаган [Литвинский Б. А, 1973. – С. 76-100.]. Қўчқор Авестода худо Хварна (Фарна)-иноят, бойлик, шон-шухрат худосининг мужассамланишидан бири сифатида қабул қилинган [Богомолов Г.И, №1 (10) 2015. – Б. 33-46]. Шохли қўчқор тасвири ёвузликнинг, баҳтсизликнинг олдини олувчи химоя тумори сифатида ҳам хизмат қилган. Ҳозирги кунда юртимиздаги айрим жойларда қўчқорнинг, буқанинг бош чаноғи баланд жойларга илиб қўйиш одатлари қўзга ташланади.

Турли ҳалқларда қўчқор билан боғлиқ эътиқодлар кенг тарқалган. Ҳусусан лезгинлар қўй жуни одамни қўрқмас қиласи, қора қўйнинг мияси ақлни мустахкамлади, қўз-қўриш, жигар ва юракка жасорат беради деб хисоблайдилар [Гаджиев Г.А, 1987. – С. 118]. Шунингдек Мисрдаги қадимги фиръавн ибдатхонасидан 2000 мингдан ортиқ мўмиёланган қўйлар боши топилган, қўйлар милоддан аввалги 30-йилларга тўғри келади [<https://www.tecnobreak.com/uz>]. Қадим даврдан ҳозирги кунга қадар қўчқор энг кўп қурбонлик қилинадиган хайвонлардан бири саналади. Қўчқор ҳозирги кунда ҳам тўй ва маракаларда, Қурбон хайитларида энг кўп қурбонлик қилинадиган хайвон саналади. М.И. Филанович фикрича Қовунчи маданиятининг ўзига хослиги шундаки, сопол идиш дасталарида ҳайвон шакли туширилган идишлар жуда кенг тарқалган [Филанович М.И., 2010. – С. 76-84]. Бундай шаклли зооморф дастали идишлар Тошкент воҳасида [Григорьев Г. В, 1948.– С. 53], Фарғона водийсида [Литвинский Б. А, 1973. – С.76-98], Қозоқистон [Левина Л. М, 1971. – С. 130-181. Рис. 44,47,53], Тожикистон [Литвинский Б.А, 1968. – С. 46-58, 75-111], Уструшона [Тошбоев Ф, 2014. – Б. 91-102.], Сўғд [Тереножкин А. И, 1950. – С. 154, табл] худудларидан кўплаб топилган. Левинага кўра, Қовунчи сополларида ҳайвон шакли туширилган идишлар тотемлар вазифасини ҳам бажарган, ҳамда бундай кўзалар Қовунчи маданиятининг II босқичида кенг тарқалганини такидлайди. Диний-маданий ҳаётда оташпарастликнинг ғоявий устунлиги қўзга ташлансада, аммо диний бағрикенглик Сирдарё ўрта ҳавзалари жамияти маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга эди. Қовунчи маданияти моддий ва маънавий дунёсига қараганда туркий этник жамоаларга хос Тангри култи [Отахўжаев А, 2009. – Б. 94-98], тотемизм ва унинг от, қўчқор култи, сеҳр-жодуга ишониш кенг ҳалқ оммаси орасида давом этар эди. Айнан бу холатлар куружжаларда, сопол идишларда қисман бўлсада ўз аксини топган.

Товача. Товача қўлда қўпол ясалган. Ушбу идиш қовурилган овқат тайёрлашга мўлжалланган косасимон қўринишда бўлиб, унинг тим қора лойига оқ қум ва майдаланган тош заррачалари қўшилган. Сиртида олов излари-қора қурум босган. Бўйининг баландлиги 7.5 см, оғзининг диаметри 15 см., тубининг

диаметри 13.5 см.ни ташкил этади Товача лабида кичкина дастаси бор. Ушбу идишлар ўзида иссиқни узоқ сақтайди. Бундай товачалар Кавардонда топилган бўлиб Қовунчи I босқичи билан даврлаштирилган.



1-расм. Тайпан қабристони. Қабр № 1. 1-3-кўза, 4-хурмача, 5-6,8-ёғлоғи, 7-бакалсимон қўракумғон, 8-кўрача, 10-това.

## ХУЛОСА

Юқори Оҳангарон ҳавзаси худудий доирасида Қовунчи маданиятига тегишли қатор янги мозор-қўргонларини кашф этилиши ва ўрганилиши туркий этник жамоаларнинг антик, айниқса, илк ўрта асрларда Оҳангарон водийсининг тоғли худудларига жадал кириб келганлигидан далолат беради.

Қабрлардан топилган бой ашёвий далиллар характеристига қўра чорвадор аждодларимизга тегишли бўлиб, улар ҳаётида ўтроқлашиш жараёнлари кўзга ташланади. Тайпандан топилган барча артефактларни ўрганиш орқали Қовунчи II (милодий II – IV) асрларга оид қабристон эканлиги аниқланди.

Тайпан қабр қўргонини ўрганиш орқали дағн иншоотлари, уларнинг тузилиши, дағн маросимлари, урф-одатлари, диний қарашлари, моддий маданияти ҳақида маълумотлар таҳлил қилинди. Тайпан қабр қўргонидан топилган кулолчилик буюмлари илмий таҳлил қилинди. Оҳангарон водийси моддий маданиятида ҳунармандчилик тараққий этганлиги шу билан биргаликда темирчилик, кулолчилик ишлаб чиқариш ривожланганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида дехқончилик ва боғдорчиликнинг янада тараққий этишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида қадимги чарвадор ахолининг Тошкент воҳаси Оҳангарон водийси қуи ва ўрта ҳавзаларида, балки унинг тоғли зоналарига милодий эра бошларидан бошлаб кириб борганлиги, уларнинг ҳаётида секин-аста ўтроқлашиш жараёнлари кечганлиги кузатилди

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Дис... тарих. фан.док. – Самарканд. 2009. – С. 143.
2. AskarovA., Matyakubov Kh., Isabekov B. Archaeological Excavations at the Ertosh-Dolana Cemetery in the Ahangaron District of Tashkent Region // Psychology and education (2021) 58 (2).
3. Шишкина. Г.В. Древняя и средневековая культура Чача. Памятники скотоводов Чача (курганы Каунчинской культуры в окрестностях Кавардана). – Ташкент. 1979. – С. 55. Рис. 16
4. Левина Л. М. Низовья Сырдарьи в древности вып. V, Джетыасарская культура часть 5. – Москва, 1995.
5. Алимов Ў., Алимов Қ. Кавардон ва Бўқада ўтказилган қазишмалаар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.– Тошкент. 1994.–3-4-сон.
6. Шишкина. Г.В. Древняя и средневековая культура... – С. 53-57. Рис. 16-17.
7. Пардаев М. Ҳ, Фофуров Ж. И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент. 2016. – Б. 359. Расм. 60.

8. Литвинский Б. А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы // Советская археология. – № 2. 1967.
9. Богомолов Г.И. Зооморфные культуры раннесредневекового Чача // O‘zbekiston Arxeologiyasi. №1 (10) 2015.
10. Григорьев Г. В. Келесская степь в археологическом отношении. ИАН КазССР, 1948, № 46. Серия археологическая. Вып. 1
11. Литвинский Б. А. Керамика из могильников Западной Ферганы. – Москва. 1973.
12. Гаджиев Г.А. Верования лезгин, связанные с животными // СЭ. 1987.
13. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010.
14. Левина Л. М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н. э. – Москва, 1971.
15. Литвинский Б. А. Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе. 1968. – С.3-4
16. Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти. – Тошкент, 2014.
17. Тереножкин А. И. Согд и Чач. КСИИМК. – Вып. XXXIII. 1950.
18. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги Чоч тараққиётига Суғднинг таъсири. “Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари”. - Тошкент, 2009.
19. <https://www.tecnobreak.com/uz>